

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 6 (12)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
тарих фанлари доктори (DSc)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиязарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳаммадовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI DOIRASIDA BEMORLARNING KASALLIKLAR JARAYONIGA BO‘LGAN QARASHLARINI TAHLIL QILISHNING METODOLOGIK ASOSLARI	5
2	Artikov Ulug‘bek Latifjon o‘g‘li BO‘Z RANGLI SOPOL IDISHLARNING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISHI	12
3	Askarov Ollabergan Ikrom o‘g‘li FARG‘ONA VODIYSI SO‘NGI BRONZA-ILK TEMIR DAVRI TARIXI PALEOBOTANIK MATERIALLARDA AKS ETISHI	24
4	Бахранов Шерзад Таштурсунович СОВЕТ ХУКУМАТИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ ТЎҒРИСИДА	36
5	Mo‘ydinov Doniyorjon Avazbek o‘g‘li AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI DARYO KECHUVLARI TARIXSHUNOSLIGIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR	55
6	Normurodov Dilmurod Raxmatullyevich KITOB TUMANIDAGI SANGANAK (MAKRID) SOY HAVZASIDA OLIB BORILGAN YANGI ARXEOLOGIK QIDIRUV ISHLARI NATIJALARIDAN	60
7	Norova Dildora Radjabovna BOSH KIYIMLARI VA ULARDAGI ZARDO‘ZLIK SAN’ATINING O‘ZIGA XOSLIGI	76
8	Nosirova Dlrabxon Ikromjon qizi KORONAVIRUS PANDEMIYASI VA UNING TA’SIRIDA OVQATLANISH MUASSASALARI FAOLIYATIDAGI O‘ZGARISHLAR	84
9	Облобердиев Жасурбек Косим угли КОНТАКТНАЯ И ЭНДОГЕННАЯ МОДЕРНИЗАЦИЯ ТРАДИЦИОННОГО ГОСУДАРСТВА: БУХАРА ПРИ МУЗАФФАРЕ И АБДУЛАХАДЕ	90
10	Priniyazov Jetkerbay Adilbayevich QIZIL ANGOBLI SOPOL IDISHLARNING QO‘QON SHAHRINING YOSHINI ANIQLASHDAGI O‘RNI	100
11	Qulboyev Nishonboy Sobur o‘g‘li SANGZOR HAVZASINING TOG‘-OLDI HUDUDLARIDA ANIQLANGAN YANGI YODGORLIKLARNING LANDSHAFT-XO‘JALIK TIZIMI	110
12	Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммад Эшбекович ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ДЕКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР	120

13	Рахимова Ирода Халимовна МЕЖДУНАРОДНАЯ ОБСТАНОВКА И ЕВРОПЕЙСКИЕ МИССИИ В ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ: ГЕРМАНИЯ И ВЕЛИКОБРИТАНИЯ (XIX В.)	134
14	Саидова Шахноза Шахназаровна УЧАСТИЕ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОГРАММ УЗБЕКИСТАНА	143
15	Tuxtabekov Kozimbek Azimbekovich “ULUS” ATAMASINING KELIB CHIQISHI VA TARAQQIYOT BOSQICHLARI	160
16	Унгарова Ойдин Кобулжон кизи ИСТОРИЯ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ С 1991 ПО 2023 ГОДЫ: ПРОБЛЕМЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	168
17	Xakimova Shoira Sag‘dullayevna O‘ZBEKISTONDA QAYTA TIKLANUVCHI MANBALAR DOIRASIDA SHAMOL ENERGIYASIDAN FOYDALANISH TARIXI	176
18	Ҳамраев Суннатилло Аллабердиевич БУХОРО АМИРЛИГИГА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛГАН А.Ф. НЕГРИ МИССИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ	184
19	Xolliyev Azizbek Go‘zalovich XIX ASRDA JAHON TEMIR YO‘L QURILISHI: ASOSIY YO‘NALISHLAR VA TENDENSIYALAR	195
20	Xolikulov Axmadjon Boymaxammatovich BUXORO AMILIGINING QO‘QON XONLIGI BILAN MUNOSABATLARI	208
21	Xomitov Ravshan Xomitovich MARKAZIY OSIYO DAVLATLARIDA MILLIY OZCHILIK HUQUQLARINING TA‘MINLANISHI MASALASIGA OID	221
22	Шакиров Ильяс Рахимзянович КУЛЬТУРНО-ГУМАНТАРНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА И ФИЛИППИН: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННЫЙ ЭТАП	229
23	Эргашев Хусан Юсуп ўғли ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАРДАГИ ИШТИРОКИ (TACIS-TEMPUS МИСОЛИДА)	237
24	Eshkuvatov Bobir Valikul o'g'li GLOBALLASHUV TENDENSIYALARI VA UNING DINIY-MAFKURAVIY HAYOTDA NAMOYON BO‘LISHI	242

Ҳамраев С. А.

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
Ўзбекистон Миллий университети
hamrayevsunnatillo1989@gmail.com

БУХОРО АМИРЛИГИГА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛГАН А.Ф. НЕГРИ МИССИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Россия империясининг Бухорога элчиси сифатида юборилган А.Ф. Негри миссиясининг тарихшунослигига бағишланган. Мақолада ушбу миссиянинг вазифалари ва мақсади ўрганилган. Ушбу миссия тарихини ўрганилиши, унинг Бухоро ва Россия ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихидаги аҳамиятининг тадқиқотчилар томонидан очиб берилиши жараёнида илгари сурилган турли ёндашувлар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, тадқиқот давомида А.Ф.Негри миссиясининг натижалари, аниқроғи, унинг дипломатик муваффақиятсизлиги ҳақидаги турли нуқтаи назарлар бирламчи манбалар ёрдамида очиб берилган.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, Россия империяси, А.Ф. Негри, элчилик вазифаси, сафир, тарихнавислик, илмий тадқиқотлар.

КИРИШ

Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатлар XIX бошларида ҳам давом этди. Икки давлатнинг муносабатларида Бухоро амирлиги ўзаро савдони ривожлантиришга, савдо йўлларининг хавфсизлиги масалаларида келишишга интиланган бўлса, Россия империяси минтақани ҳар томонлама ўрганишга эътибор қаратган. Яъни, ўзаро дипломатик муносабатлар билан бир қаторда Россия империяси ўзининг узоқни кўзлаган стратегик мақсадларини амалга оширишга тайёргарлик кўраётган эди. Шу сабабдан минтақага юборилаётган барча элчиликларга Ўрта Осиё хонликлари билан бўладиган ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни йиғиш вазифаси юклатилган. Шундай элчилик миссияларидан бири 1820 йилда Бухоро амирлигига жўнатилган А.Ф. Негри³ миссияси⁴ ҳисобланади.

³Александр Федорович Негри (1784-1854) Россия дипломати, тарихчи, археолог, таржимон, илмий ёзувчи ва Одесса тарих ҳамда қадимшунослар жамияти вице-президенти. Шарқ тилларини яхши билган // https://ru.wikisource.org/wiki/Негри,_Александр_Федорович

⁴Миссия (лот. missio — жўнатмоқ) — 1) муайян топшириқ билан бошқа мамлакатга юборилган вакиллар; 2) бир давлатнинг бошқа давлатдаги (элчихонадан фарқи равишда) вакили томонидан бошқариладиган доимий дипломатик ваколатхонаси // https://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20M%20harfi.pdf

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

А.Ф. Негри миссиясининг Бухоро амирлигига юборилиши икки давлат ўртасидаги давом этиб келаётган олдинги музокараларга бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, Бухоро амири девонбеги Азимжон Мўминжоновни 1816 ва 1819 йилларда Россия императори хузурига элчи қилиб жўнатди. Ушбу элчилик давомида Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги савдони ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. А.Мўминжонов элчилиги вақтида бошланган Россия империясининг янги савдо тарифини⁵ бекор қилиши тўғрисидаги музокараларни якунига етказиш мақсадида Бухорога миссия юборилди. Унга 1820 йил 3 июлда Россия императори Александр I Россия Ташқи ишлар вазирлиги ходими, давлат маслахатчиси АФ. Негрини бошлиқ этиб тасдиқлади[1, 159 Б.]. Мазкур миссия 1820 йил 10 октябрда Оренбургдан йўлга чиқиб, 20 декабрда Бухорога етиб келди ва 1821 йил 23 мартга қадар Бухорода бўлди.

А.Ф. Негри миссиясига 1820 йилнинг 25 июлида Россия империяси ташқи ишлар вазирлиги томонидан қуйидаги топшириқларни бажариш юклатилди:

1. Қўқон хонлигининг аҳволи, қўл остидаги ерлар, табиий бойликлари, савдоси ва қўшни мамлакатлар билан алоқаси ҳақида маълумот тўплаш.
2. Туркистон ва Тошкент ҳақида маълумотни қўлга киритиш, хонликнинг Хива, Туркия, Эрон ва Афғонистон билан алоқасини билиш.
3. Амударёда кемачиликнинг бор-йўқлиги, Кобул, Кашмир ва Тибет ҳақида ахборот олиш. Шунингдек, уларнинг ташқи сиёсати ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларини аниқ билиш.
4. Бухоро ва Хивадаги рус асирлари сонини билиш ва сотиб олиш учун сарфланадиган пул миқдорини аниқлаш, уларни қандай бўлмасин ватанига қайтаришга ҳаракат қилиш[2, 164-165 Б.].

Белгиланган топшириқларни бажариш мақсадида Миссия таркибига таниқли табиатшунос олимлар Х.Г. Пандер, Э.А. Эверсман, ҳарбийлар, жумладан, бош штаб капитани барон Е.К. Мейендорф⁶ ва поручик В.Д. Вольховский, қўшинни жойлаштириш ва таъминлаш билан боғлиқ қисм поручиги Тимофеев, Оренбург корпуси подпоручиги Тафаев билан Артюховлар ҳам бор эди. Шунингдек, котиб ва таржимон П. Яковлев[3] ва руҳоний Будрин кирган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миссия аъзоларига топшириқлар алоҳида белгилаб берилди. Хусусан, Капитан Е.К. Мейендорфга миссия босиб ўтган йўллар ва ўлкалар ҳақида географик ва статистик маълумотлар йиғиш, ўлканинг харитасини тайёрлаш ва бошқа узоқни кўзловчи стратегик вазифалар топширилади[4, Б. 212].

⁵Александр I нинг 1817 йил 30 май (11 июн)даги Манифести билан 1818 йил 1 (13) январдан бошлаб Осиё мамлакатлари билан савдо учун янги тариф ва божхона низоми киритилиши эълон қилинди. Унга кўра савдо божлари сезиларли даражада оширилди.

⁶Барон Егор (Георгий) Казимирович Мейендорф (Георг Вальтер Конрад Фрайхерр фон Мейендорф, немисча, Georg Wolter Konrad Freiherr von Meyendorff, 1795 йил 10 июн [31 май]да Кляйн-Роопда туғилган – 1863 йил 12 октябр [30 сентябр]да Вюрцбургда вафот этган). <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

Ушбу мутахассислар миссия давомида Бухоронинг XIX аср бошларидаги иқтисодий, ҳарбий ва халқаро муносабатлардаги ҳолатини ўрганди. Ташриф вақтида тўпланган маълумотлар кейинчалик нашр қилинди. Жумладан, Э.А. Эверсман ва Е.К. Мейндорфнинг “Путешествие из Оренбурга в Бухару”, асарларини Будриннинг “Русские в Бухаре 1820 году. (Записки очевидца)”, П. Яковлевнинг “Въезд в город Бухару Русской императорской Миссии в 1820 году” каби мақолаларини кўрсатиш мумкин[5]. Шунингдек, Россия империяси даврида ва ундан кейин ҳам ушбу асарлар ҳақида таҳлилий мақолалар чоп қилинганлигини эътироф этиш мумкин[6, 34-38 Б.]. А. Муҳаммаджонов ўзининг “Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлар тарихига доир баъзи манбалар” номли тадқиқотида мазкур асарларнинг манбавий аҳамиятини кўрсатиб берган. Шунингдек, мазкур миссиянинг кутиб олиниши ҳақидаги воқеалар Бухоро амирилиги тарихчилари Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшарифнинг “Тарихи амир Ҳайдар” асарида[7] ҳам келтирилган. Бундан ташқари, миссиянинг ташкил қилиниши, унга берилган топшириқлар ва бажарилган ишлар тўғрисидаги кўплаб буйруқ, ёрлиқ, ҳисоботлар Россия архивларига топширилган. Шу сабабли миссия тарихини ўрганишда Россия архив ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга. Мазкур манбаларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш А.Ф. Негри миссиясининг Бухоро-Россия дипломатик муносабатларида тутган ўрни ва тарихий аҳамиятини ҳаққоний баҳолаш имконини беради.

Тадқиқотларда мазкур миссия фаолияти Марказий Осиё хонликлари ва Россия империяси ўртасидаги дипломатик муносабатлар контекстида ўрганилган. Хусусан, А. П. Шепелев, М. А. Терентьев С. В. Жуковский, А. Муҳаммаджонов, Г. Михалева, Н.А. Халфин, Х.Ғ. Ғуломов, Ҳ.З. Зиёев, Ж.Жўрабоев, А. Б. Холиқулов ва бошқаларнинг[8] тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, А. А. Семёнов, Д. Валиева, А. З. Тоғаева, Р. Р. Алимова, З.Э. Халилова, М.Б. Челик, С.В. Димитриев, Г.П. Матвиевская, Х.П. Прумшоев Дж.Х. Джурабаев С.А. Ҳамраев ва бошқаларнинг мақолаларида миссия фаолияти ёритилган[9].

Юқоридаги тадқиқотларда миссия тарихини ўрганишда бир нечта хусусият намоён бўлади. Яъни, миссиянинг юборилиш сабаби, мақсади ва вазифалари ҳамда эришган натижалари турлича талқин қилинганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, А.Ф. Негри миссиясининг юборилиш сабабини таҳлил қиладиган бўлсак, Бухоро амирининг илтимосига биноан жўнатирилганлиги таъкидланган қараш мавжуд. Жумладан, тадқиқотчилар А. Шепелев ва Ф.И. Лобисевич, С.В. Жуковский тадқиқотларида миссиянинг Бухоро амирининг сўровига жавобан юборилганлиги таъкидланади[10, 44; 68 Б.]. Кейинчалик, йирик тадқиқотчи, шарқшунос А.А. Семёнов, тадқиқотчи Н.А. Халфин ҳам миссия амирининг илтимосига биноан жўнатирилганини шу билан бирга музокараларни якунлаш мақсадини ҳам эътироф этади[11, 85-95; 156-158 Б.]. Аммо, тадқиқотчи Г. Михалева А. Мўминжонов элчилигига жавобан юборилганлигини таъкидлайди. Жумладан, унинг тадқиқотида Россия империяси ташқи ишлар вазирлигининг девонбеги А. Мўминжоновга Бухоро билан янги савдо тарифининг рад этиш ёки шу тахлит қолиш

масаласи Россия империяси амалдорининг Бухорога ташрифидан кейин кўриб чиқилиши билдирилган. Амалдорнинг Бухорога элчи сифатида бориши сўровига амирнинг розилик билдиргани таъкидланган[12, 159-160 Б.]. Мустақиллик йилларида тадқиқотчилар Х. Ғ. Ғуломов ва Ҳ.З. Зиёевлар миссиянинг Бухоро амирининг илтимосига биноан эмас олдинги элчиликларга жавобан юборилганлиги таъкидланган. Кўриниб турибдики, Россия империяси ва совет даврида яратилган айрим тадқиқотларда масаланинг моҳиятини биров бузилган. Бу ўша давр ижтимоий сиёсий муҳитининг таъсири билан изоҳлаш мумкин. Яъни, ўзаро савдони ривожлантириш мақсадида Бухоро амирининг Россия империясидан йирик амалдорни элчи сифатида юборишнинг сўралиши Россиянинг қудратини кўрсатиб, унга Бухоронинг мухтож эканлигини билдирар эди. Буни мазкур даврларда Россия империясининг геосиёсий мақсадларига хизмат қилувчи ғояларнинг тадқиқотларда номоён бўлиши сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бухоро амирлигининг Россия империясидан янги савдо тарифини Бухоролик савдогарларга қўлламаслик ва Бухоро савдогарлари учун эски қоидалар бўйича савдони давом эттириш юзасидан сўрови рад этилган эди[13. 262-263 Б.]. А. Ғ. Негри миссияси янги савдо тарифининг икки давлат учун ҳам манфаатли эканлигига ҳамда Россиянинг Бухоро билан яхши савдо алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида эканлиги Бухоро амирини ишонтириш лозим эди. Шунингдек, миссия аъзоларига юқорида келтирилиб ўтилган сиёсий, стратегик вазифаларнинг юклатилиши А.Ғ. Негри миссиясини Бухорога юборишдан Россия империяси маанфаатдор эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотлардаги яна бир хусусият шуки, миссия зиммасига қўйилган вазифалар ва унинг мақсадлари турлича талқин қилинган. Жумладан, Россия империяси даврида яратилган А.П. Шепелев тадқиқотида миссияга берилган топшириқлар аниқ баён қилинмайди[14, 44 Б.]. С. В. Жуковский эса, А.Ғ. Негри миссияси Бухоро амирлиги билан савдо битимини имзолаш учун юборилганлигини таъкидлайди[15, 102 Б.]. Бу ҳолатни масалага доир манбалардан кенг фойдаланилмаганлиги билан изоҳлаш мумкин. Аммо, кейинчалик совет даврида яратилган тадқиқотларда миссия зиммасидаги вазифалар аниқлаштирилган. Жумладан, Бу борада А. Муҳаммаджонов, Г. А. Михалева ва Н. А. Халфиннинг тадқиқотларида сезиларли натижалар мавжуд. А. Муҳаммаджонов манбалардаги маълумотларни таҳлил қилиш ва ўзаро қиёслаш орқали миссия вазифаларини аниқлашга эътибор қаратган[16, 18-44 Б.]. Асосан, Е.К. Мейндорф асаридан фойдаланган ҳолда, икки давлат ўртасидаги савдо муносабатларини ривожлантириш, Оренбургдан Бухорога қадар савдо йўлини ўрганиш, Бухородаги рус қулларини озод этиш масалаларидан иборат эди деб, таъкидлайди[17, 18-44 Б.]. Тадқиқотчи Г.А. Михалева тадқиқотида архив материалларидан фойдаланган ҳолда миссия ва унинг илмий вакиллари зиммасига юкланган вазифалар алоҳида кўрсатилганлиги билан қимматлидир [18, 160-161 Б.], аммо, унинг натижалари ва аҳамияти хусусида ҳулосалар келтирилмайди. Н.А. Халфин эса, ўз тадқиқотида миссия бошлиғи А.Ғ. Негрига берилган топшириқлар

ҳамда Э.А. Эверсманга Александр I томонидан маъқулланган Ташқи ишлар вазирлигини оғзаки йўриқномаси (8 қисмдан иборат)ни келтиради[19, 164-165 Б.]. Ушбу тадқиқотчилар миссия фаолиятига оид кўплаб архив манбаларини биринчилардан бўлиб илмий муомалага киритганлар. Кейинги, кўплаб тадқиқотлар ҳам миссия вазифаларини ёритишда шу тадқиқотларга таянган[20, 93-103; 71-77; 28-45; 93-106; 211-219; 352-356 Б.]. Таъкидлаш жоизки, Россия империяси даври тадқиқотлари Бухоро амирлиги билан савдо ва дипломатик муносабатларни ривожлантириш вазифаларини келтирган ҳолда махфий топшириқлар очикланмаган. Совет даври тадқиқотларида барча топшириқлар архив ҳужжатлари асосида илмий муомалага киритилган. Шу билан бирга мазкур вазифалар минтақани илмий ўрганишга хизмат қилганлиги ҳам таъкидланган. Мустақиллик йилларида вазифаларнинг моҳияти объектив баҳоланган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миссия Бухоро амирлиги билан дипломатик муносабатларни ривожлантириш мақсадидан кўра, минтақа ҳақида ҳарбий сиёсий жосуслик моҳиятида эканлиги намоён бўлади.

Тадқиқотларда миссиянинг Бухорода амалга оширган ишлари ва Бухоро-Россия дипломатик муносабатлари доирасида эришган натижалари ҳам турлича баҳоланади. Хусусан, Россия империяси даврида яратилган тадқиқотларда Бухоро ҳукумати билан олиб борган музокаралари натижасида савдо қарвонларини Сирдарёгача бўлган ҳудудларда Россия империяси томонидан ҳимоя қилиниши борасида келишувга эришилгани ва Бухорога борадиган йўлларнинг шарт-шароитлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплангани эътироф этилади. А.П. Шепелев, миссиянинг фаолиятини умумий тарзда: “Ушбу акт бизнинг Александр I давридаги Ўрта Осиё хонликлари билан дипломатик яқинлашишимиз билан тугади. Биз ҳеч нимага эришмадик дегандан кўра улардан кам бўлсада нимадир ютдик” [21, 44 Б.] – деб, баҳолаган. Бунинг сабаби Александр Бекович-Черкасскийнинг 1717 йилги Хива хонлигига қарши юриши[22] муваффақиятсизликка учрагани, Бухорода бундай муваффақиятсизлик юз бермаганининг ўзини ҳам муваффақият сифатида кўрсатиш мумкин қабилида баҳолайди. Шарқшунос В.В. Григорьев Россиянинг Ўрта Осиё давлатлари билан муносабатлари XIX асрнинг биринчи чорагидаги муносабатлар, XVIII асрдаги каби Россия учун муваффақиятсиз тугади деб баҳолаган[23]. Кўриниб турибдики Россия империяси даври тадқиқотларида миссия муваффақиятсиз ва етарлича натижаларга эриша олмади деб ҳисобланган.

Тадқиқотчи Н.А. Халфин миссия фаолияти муваффақиятли бўлганлиги ва зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганлигини таъкидлаган[24, 167-168 Б.]. Бухоро ҳукумати томонидан барча таклифларининг қабул қилинганлиги эътироф этилган. Шу билан бирга миссия якунида Бухоро ҳукумати билан бирон-бир ҳужжат имзоланмаганлиги хонликларнинг халқаро муносабатлардаги ўзига хос хусусияти сифатида изоҳлаган[25, 169 Б.].

Тадқиқотчи Р. Р. Алимова томонидан “А. Ф. Негри экспедицияси Бухорода” номли мақоласида мазкур миссия фаолияти муваффақиятли

тугаганлиги эътироф этилади. Муаллиф ушбу маълумотларни Н.А. Халфин тадқиқотида илгари сурилган фаразга асосланиб берган.

Шу ўринда миссия таркибида бўлган рухоний Будриннинг элчи ва Бухоро ҳукумати ўртасидаги музокаралар ҳақида, ҳамда унинг натижаси хусусида берган маълумотларига эътибор қаратиш лозим. Жумладан, Будрин А.Ф. Негрининг деярли барча сўровлари хусусан, Бухородаги рус асирларини озод қилиш масаласидаги сўрови рад этилганлигини ёзади[26, 18-21 Б.]. Қолаверса, Будрин ёзган кундалигида Бухорода музокаралар ўтказиш борасида миссия дуч келган қийинчиликлар яъни, Бухоро амири томонидан элчининг учрашиш бўйича бир неча бор таклифи рад қилинганлиги, асосий масалалар муҳокама қилинмасдан элчига феврал охирида 10 кун давомида шаҳарни тарк этиши тўғрисида буйруқ бўлганлигини[27, 18-21 Б.] қайд этади. Н.А. Халфин ва умуман кейинчалик совет тарихшунослигида миссия фаолиятини муваффақиятли баҳолаш тенденциясини илгари сурувчи муаллифлар иддаоларини воқеанинг бевосита иштирочис томонидан ёзилган манбадаги маълумотлар тўлақонли инкор этади. Аммо, шунга қарамай бир қатор замонавий тадқиқотларда ҳамон совет тарихшунослиги таъсири сезилади.

Мустақиллик йилларида бу масала тадқиқотчи Ҳ. З. Зиёев ва Х. Ғ. Ғуломовнинг тадқиқотларида Ўрта Осиё давлатларининг Россия билан дипломатик муносабатларига бағишланган тадқиқотида миссиянинг мақсад вазифалари ва икки давлат дипломатик муносабатлари доирасидаги аҳамияти ҳолислик билан ёритилганлигини кузатиш мумкин. Яъни, миссиянинг Бухоро амирининг илтимосига биноан эмас олдинги элчиликларга жавобан юборилганлиги таъкидланган. Шунингдек, ўзаро муносабатлардаги муайян масалаларда келишувни амалга ошириш учун ташкил қилинган миссия сифатида баҳоланган. Қолаверса, миссиянинг вазифалари ва у эришган натижаларни аниқ кўрсатишга уринилган. Хусусан, миссия ўзига юклатилган барча вазифаларни бажара олмаганлиги таъкидланган[28, 199 Б.].

Бундан ташқари, мазкур даврга оид Ҳ. Зиёевнинг тадқиқотида А.Ф. Негри миссиясининг Бухорога яхши қуролланган кўп сонли ҳарбийлар билан ташрифи мақсадини Бухорода рус давлати ва қўшинининг куч-қудратини намойиш этиш сифатида талқин қилган[29]. Бундай қараш фикримизча асосли бўлиб, бундан олдинги ва кейинги элчиларнинг йўл хавсизлиги масаласидаги фаолиятида кўп сонли қўриқчиларга эҳтиёж бўлмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

ХУЛОСА

Биринчидан, ҳозирга қадар А.Ф. Негри миссияси тарихига бағишланган йирик тадқиқот амалга оширилмаган. Ваҳоланки, ушбу миссия Бухоро-Россия дипломатик муносабатлари доирасида Россия императорининг бевосита буйруғи асосида тайинланган ва фақатгина Бухорога юборилган ягона дипломатик ташриф эди.

Иккинчидан, тадқиқотчилар миссиянинг ҳудудни комплекс тадқиқ этиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини ўрганиш ва

натижаларни баҳолашда дипломатик, разведка ҳамда илмий йўналишларга ажралган.

Умуман мавзуни ўрганиш шуни кўрсатадики, Россия империяси даври тадқиқотларида миссия фаолиятига дипломатик нуқтаи назардан қараш ва унинг натижалари ҳақли тарзда муваффақиятсиз бўлганлиги эътироф этилади. Совет даври тадқиқотларида миссия фаолиятини разведка ва илмий жиҳатдан ўрганиш устунлик қилади ва миссия натижалари бўрттирилган ҳолда муваффақиятли бўлди деб баҳоланади. Мустақиллик даври тадқиқотларида учала йўналишда қараш мавжуд дипломатик жиҳатдан муваффақиятсиз разведка ва илмий ўрганиш тарафидан ютуқларга эришганлиги таъкидланади.

Учинчидан, миссия тарихи асосан Россия империясини сиёсати акс этган манбалар тадқиқотларга тортилган. Миссиянинг амир билан музокараларда муваффақиятсизликка учраши эътибордан четда қолдирилади. Рус асирларини озод қилиш тўғрисидаги сўровнинг рад этилиши сабаблари чуқур таҳлил қилинмайди. Консуллик очиш масаласи миссия доирасида бўлган бўлмаганлиги унинг натижалари хусусида гапирилмайди.

Умуман олганда миссия тарихи комплекс ҳолда ягона тадқиқот доирасида ўрганиш ва бунда мавжуд барча манбалардан ҳолисона фойдаланиш лозим. Миссиянинг тарихий аҳамиятини реал воқеликдан келиб чиқиб дипломатик, разведка ва илмий тарафларга ажратган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIXв.). М., 1974. С. 159.
2. Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик алоқалари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX аср). I жилд. Тошкент, 2014. 164-165-бетлар.
3. Яковлев П. Въезд в город Бухару Русской императорской Миссии в 1820 году. // Сибирский вестник, 1822, № 19.
4. Ўзбек дипломатияси тарихидан тарихий очерклар ва лавҳалар. Хайруллаев М.М. таҳрири остида. Тошкент, 2003. 212-бет.
5. Будрин. Русские в Бухаре 1820 году. (Записки очевидца) // Справочная книжка Оренбургского края на 1871 год; Яковлев П. Въезд в город Бухару Русской императорской Миссии в 1820 году. // Сибирский вестник, 1822, № 19; Meyendorff G. Reise von Orenburg nach Bouchara im Jahre 1820. 1826; (Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Н.А. Халфин таҳрири остида. М., 1975); E. Eversmann. Reise von Orenburg nach Buchara. Berlin. 1823. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И. Демезона и И.В. Виткевича). Н.А. Халфин таҳрири остида. М.: Наука. 1983.
6. Қаранг. Маслова О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии, ч. I. 1725 – 1856. Ташкент, 1955. С. 34-38.

7. Мулла Ибодулла, Мулла Муҳаммадшариф. Тарихи амир Ҳайдар. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 1836

8. Шепелев А. Материалы для истории Хивинского похода 1873 года. Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азиею. Ташкент, 1879; Лобысевич Ф.И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическо-военном отношении. СПб., 1900; Терентьев М.А. История завоевание Средней Азии съ картами и планами. СПб., 1906; Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. Петроград, 1915; В.В. Григорьева. Русская политика в отношении к Средней Азии. Исторический очерк. // <https://rus-turk.livejournal.com/268703.html>; Кушева Е.Н. Среднеазиатский вопрос и русская буржуазия в 40-х гг. XIX в. Ист. сборн., вып. 3, Ленинград, 1934. С. 133-162; Маслова О.В. Обзор русских путешествий и экспедиций в Среднюю Азию. Материалы к истории изучения Средней Азии, ч. I. 1725 – 1856. Ташкент, 1955; Муҳаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлар тарихига доир баъзи манбалар. Тошкент, 1957; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии XVI – середина XIX в. Москва, 1958; Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIX в.). М., 1974; Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России о Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII – начале XIX века. Дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1963.; ўша муаллиф. Торговые посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (XVIII – первая половина XIX вв.). Ташкент, 1982; Арапов Д.Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. Москва, 1981; Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках (известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половины XIX в.). Ташкент: Фан, 1988; Ўзбек дипломатияси тарихидан тарихий очерклар ва лавҳалар. Хайруллаев М.М. таҳрири остида. Тошкент, 2003; Гуломов Х. Дипломатические отношения государств средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIX века. Ташкент: Фан, 2005; Гуломов Х.Г. История дипломатических отношений государств Средней Азии с Россией (XVIII – первая половина XIX вв.). дисс. док. ист. наук. Ташкент, 2006; Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик алоқалари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми — XIX аср). I жилд. Тошкент, 2014.; Холиқулов А.Б. Бухоро амирлигининг ташқи сиёсий алоқалари (XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср ўрталари) / масъул муҳаррир А.С. Сагдуллаев. Тошкент, 2022. 268 б.

9. Бунаков Е.В. К истории сношений России со среднеазиатскими ханствами в XIX в. // Советское востоковедение. М. – Л., 1941, № 2. С. 5-26; Семенов А.А. К истории дипломатических отношений России Александра I с Бухарой эмира Хайдара. Тезисы докладов научной сессии, посвященной 25-летию САГУ, Ташкент, 1945, С. 140-142; ўша муаллиф. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. // известия АН УзССР. Ташкент, 1951, № 1. С. 85-95; Валиева Д. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро–Россия дипломатия алоқаларига доир (Амир

Ҳайдар мактубларини қиёсий ўрганиш асосида). // Шарқшунослик. 1999. № 9. 119-132-бетлар; Ўша муаллиф. Амир Ҳайдар даврида Бухоро–Россия дипломатик алоқаларига доир маълумотлар. // Шарқшунослик. 2000. № 10. 142-152 бетлар; Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари (XVI–XX аср бошлари рус тарихшунослиги ва манбалари асосида). Тошкент, 2017.; Ўша муаллиф. А.Ф. Негри экспедицияси Бухорода. // Ўтмишга назар. 2019. № 3. 93-103-бетлар; Тоғаева А.З. XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган геологик изланишлар ва экспедициялар // XIX – XX аср бошларида Марказий Осиёда интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар. Илмий тўплам. Тошкент, 2018. 169-175 бетлар; Халилова З.Э. Торговые связи Бухарского эмирата с Российской империей в первой четверти XIX в.: историографический ракурс // Торговля, купечество и таможенное делов России в XVI–XIX вв.: сборник материалов Третьей международной научной конференции (г. Коломна, 24–26 сентября 2013 г.). Т. 2. 2015. С. 71-77; Celik M.B. Meyendorf'un Buhara Hanlığı Seyahati // Mavi Atlas, 6(2)/2018: S. 28-45; Прумшоев Х.П. Русско-Таджикские отношения в средние века // политические проблемы международных отношений, глобального и регионального развития. С. 93-106; Джурабаев Дж.Х. Исследование истории Бухарского эмирата русскими и европейскими авторами XVIII – XIX вв. (краткий обзор источников) // Таърих. С. 211-219. Хўжаева Х.Ш. Особенности торговых взаимоотношений между Россией и Бухарским эмиратом (конец XVIII — середина XIX века) // “Молодой учёный”. № 1 (81), 2015 г. С. 352-356; Димитриев С.В. Этнография Таджиков в трудах российских ученых XIX — начала XX в. // https://lib.kunstkamera.ru/files/lib/978-5-88431-277-7/978-5-88431-277-7_02.pdf, Матвиевская Г.П. “В Оренбурге выявитесь к военному губернатору...” бухарская миссия А. Ф. Негри 1820-1821 гг. // Оренбургский государственный педагогический университет. статья в сборнике статей. 2006. С. 6-12.; Hamrayev S.A. Historiography of the mission of A.F. Negri that has been sent by the Russian Empire to the Emirate of Bukhara // International Journal on Integrated Education. 2023. № 6. P. 223-232.

10. Шепелев А. Материалы для история Хивинского похода 1873 года. Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азиею. Ташкент., 1879. С. 44; Лобысевич Ф.И. Поступательное движение в Среднюю Азию в торговом и дипломатическо-военном отношении. СПб., 1900. С. 68.

11. Семенов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. // известия АН УзССР. Ташкент, 1951, № 1. С. 85-95; Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIX в.). М., 1974. С. 156-158.

12. Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России о Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII – начале XIX века. Дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1963. С. 159-160.

13. Ўзбек дипломатияси тарихидан тарихий очерклар ва лавҳалар. Хайруллаев М.М. таҳрири остида. Тошкент, 2003. 362-363-бетлар.
14. Шепелев А. Материалы для история Хивинского похода 1873 года. Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азиею. Ташкент, 1879. С. 44.
15. Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. Петроград, 1915. С. 102.
16. Муҳаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хеванинг Россия билан муносабатлар тарихига доир баъзи манбалар. Тошкент. 1957. 18-44-бетлар.
17. Ўша жойда.
18. Михалева Г.А. Торговые и дипломатические связи России о Бухарским ханством через Оренбург в конце XVIII – начале XIX века. Дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1963. С. 160-161.
19. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIXв.). М., 1974. С. 164-165.
20. Алимова Р.Р. А.Ф. Негри экспедицияси Бухорода. // Ўтмишга назар. 2019. № 3. 93-103-бетлар; Халилова З.Э. Торговые связи Бухарского эмирата с Российской империей в первой четверти XIX в.: историографический ракурс // Торговля, купечество и таможенное делов России в XVI–XIX вв.: сборник материалов Третьей международной научной конференции (г. Коломна, 24–26 сентября 2013 г.). Т. 2. 2015. С. 71-77; Челик М.Б. Meyendorf'un Buhara Hanlığı Seyahati // Mavi Atlas, 6(2)/2018: S. 28-45; Прумшоев Х.П. Русско-Таджикские отношения в средние века // политические проблемы международных отношений, глобального и регионального развития. С. 93-106; Джурабаев Дж.Х. Исследование истории Бухарского эмирата русскими и европейскими авторами XVIII – XIX вв. (краткий обзор источников) // Таърих. С. 211-219. Хўжаева Х.Ш. Особенности торговых взаимоотношений между Россией и Бухарским эмиратом (конец XVIII — середина XIX века) // “Молодой учёный”. № 1 (81), 2015 г. С. 352-356.
21. Шепелев А. Материалы для история Хивинского похода 1873 года. Очерк военных и дипломатических сношений России с Среднею Азиею. Ташкент, 1879. С. 44.
22. Қаранг: Гуломов Х. Дипломатические отношения государств средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIXвека.Ташкент: Фан, 2005.
23. Григорьева В.В. Русская политика в отношении к Средней Азии. Исторический очерк. <https://rus-turk.livejournal.com/268703.html>.
24. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (Первая половина XIXв.). М., 1974. С. 167-168.
25. Ўша асар. 169- бет
26. Будрин. Русские в Бухаре 1820 году. (Записки очевидца) // Справочная книжка Оренбургского края на 1871 год. С. 18-21.
27. Ўша жойда.
28. Гуломов Х. Дипломатические отношения государств средней Азии с Россией в XVIII – первой половине XIXвека.Ташкент: Фан. 2005. С. 199.

29. Зиёев Ҳ. Ўзбекистоннинг Каспий-Волга бўйлари ва Оренбург орқали Россия билан элчилик алоқалари тарихи (XVI асрнинг иккинчи ярми — XIX аср). I жилд. Тошкент: 2014.

Хамраев С. А.

PhD., старший преподаватель кафедры «История Узбекистана»

Национальный университет Узбекистана

hamrayevsunnatillo1989@gmail.com

ИСТОРИОГРАФИЯ МИССИИ А.Ф. НЕГРИ, ОТПРАВЛЕННОЙ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИЕЙ В БУХАРСКИЙ ЭМИРАТ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена историографии миссии А. Ф. Негри, направленной в Бухару в качестве посла Российской империи. В статье рассматриваются задачи и цель данной миссии. Проанализированы различные подходы, выдвинутые исследователями в процессе изучения истории этой миссии, раскрытия ее значения в истории взаимоотношений между Бухарой и Россией. Кроме того, в ходе исследования с помощью первичных источников были раскрыты различные точки зрения на результаты миссии А.Ф. Негри, точнее, на его дипломатическую неудачу.

Ключевые слова: Бухарский эмират, Российская империя, А.Ф. Негри, миссия, посол, историография, исследования.

Hamraev S. A.

PhD., senior lecturer at the department of «History of Uzbekistan»

National University of Uzbekistan

hamrayevsunnatillo1989@gmail.com

HISTORIOGRAPHY OF THE MISSION OF A.F. NEGRI THAT HAS BEEN SENT BY THE RUSSIAN EMPIRE TO THE EMIRATE OF BUKHARA

ABSTRACT

This article is dedicated to the historiography of the mission of A.F. Negri, sent to Bukhara as an ambassador of the Russian Empire. The article discusses the tasks and purpose of this mission. Various approaches put forward by researchers in the process of studying the history of this mission, revealing its significance in the history of relations between Bukhara and Russia, were analyzed. Furthermore, the study revealed different perspectives on the results of A.F. Negri's mission, more precisely, his diplomatic failure, using primary sources.

Keywords: Emirate of Bukhara, Russian Empire, A.F. Negri, mission, ambassador, historiography, research.